

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА АСОСЛАНГАН ЖАМИЯТДА ИЖТИМОИЙ ҲОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

*Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий Университети
Ижтимоий фанлар факултети Социология
(йўналишлар бўйича) магистранти
Ибрагимов Жасурбек Илхомжон ўғли*

Аннотация: рақамли иқтисодиётнинг кириб келиши; ижтимоийлашув жараёнига унинг таъсири; шахс роли масаласи; ижтимоий гуруҳланишга рақамли иқтисодиёт таъсири; мувофиқлик тушунчаси; Ўзбекистондаги рақамли иқтисодиёт ва унинг ижтимоий ҳолатга таъсири.

Бугунга кунга, яъни 21 асрга келиб, ҳаётимизга рақамли иқтисодиёт деган тушунча ва воқелик кириб келди. Албатта, бу ҳол барча даврлардаги иерархик ўзгаришлар каби силкинишларсиз амалга ошди. Аммо бироз эътибор билан қарайдиган бўлсак, унинг натижасида ижтимоий ҳаётда салибий ва ижобий ўзгаришлар бўлди.

Айтиб ўтадиган бўлсак, «рақамли иқтисодиёт» тушунчасини илк бор 1995 йилда америкалик, Массачусетс университети олими Николас Негропonte томонидан тақдим этилди ва бу тушунча 21 асрга келиб кенг ёйилиб, амалда ўз аксини яққол кўрсата бошлади.

Биз ушбу мақолада айнан рақамли иқтисодиётга асосланган жамиятда ижтимоий ҳолатни таъминлашда юзага келган, юзага келиши кутилаётган муаммолар ва уларнинг бир қадар ечими ҳақида гапирармиз. Аммо буларни таҳлилга тортишдан олдин рақамли иқтисодиётнинг рад этиб бўлмас ижобий томонлари, афзалликлари ҳақида тўхтатилиб ўтишимиз керак бўлади. Чунки мақола ўқувчисида бу борада нотўғри тушунча пайдо бўлмаслиги лозим.

Рақамли иқтисодиётнинг умумий вазифаси бошқа замонавий жабҳалардаги каби одамларга енгиллик яратиш, уларнинг вақтини тежаш, маблағини тўғри назоратда ишлата олишини таъминлаш ва шу каби яна бир қанча вазифалар. Хўш, у ўз вазифасини бажара оляптими? Албатта, ҳа, бажаряпти, бунга шубҳа йўқ. Ҳозирда биз оддий такси чақиришда ҳам айнан рақамли иқтисодиётга асосланган тизимдан фойдаланмоқдамиз. Бирор бир егуликни буюртма қилишимиз ҳам айнан рақамли иқтисодиётга асосланган. Интернет дўконлари, замонавий кассалар, жамоат транспортлари тизими — буларнинг барчаси рақамли иқтисодиёт асосида. Ва ўз ҳаётингизда кўриб турганингиздек, булар бизга қулайлик яратиш учун ва шундай ҳам бўляпти. Натижада биз вақтимизни, пулимизни тежаяпмиз, ортиқча жисмоний куч

сарфланишидан кутиляпмиз. Ҳатто карталар, электрон ҳамёнлар ривожи туфайли маблағларимизни бир қадар тўғри назорат ҳам қила оляпмиз.

Хўш, шунча қулайликлар, тежамлар бор экан, рақамли иқтисодиётга асосланган жамиятда ижтимоий ҳолатни таъминлашда қандай муаммолар мавжуд?

Аслида, бу масала анча тортишувли ва бетўхтам кўринишда ҳозир. Чунки тараққиёт ва инсон ҳаётини енгиллаштиришга қаратилган бу нарсанинг қайсидир маънода қайсидир жиҳатлари рад этилиши кўпчиликка ёқмаслиги табиий. Яъни биз муаммоларни айнан муаммо сифатида кенг кўламда кўтаришиз ёки исботига ишонтира олишимизнинг ўзи ҳам бир ечилиши қийин бўлган муаммолардан. Шу сабаблардан ҳам айти шу масалага субъектив ёндашувлар кўп. Қатъий ҳукми фикрлар бир мунча кам. Шу боисдан ҳам кейинги ўринларда эркинроқ ва шахсий ёндашувлар билан фикр билдириб ўтаемиз.

Олдин ижтимоий ҳолат тушунчаси учун муҳим бўлган баъзи омилларни айтиб ўтсак. Бунда муайян шахс роли, ижтимоий гуруҳ, ижтимоий мавқе, ижтимоий ҳолат мувофиқлиги ва шу каби бир қатор омиллар. Айти шундай омиллар ижтимоий ҳолатни таъминлашда муҳим рол ўйнайди ва кишиларнинг индивидуал ҳолатида ҳам ўз аксини топади.

Рақамли иқтисодиёт юқоридаги ва шу каби омилларга таъсир ўтказдими?

Албатта, таъсир ўтказди. Бироз кузатиш ва мушоҳада орқали ҳам буни англаса бўлади, аслида. Дейлик, ижтимоий ҳолатда шахс роли — рақамли иқтисодиётга асосланган жамиятда бу рол бир қадар ўз ўрнини йўқотди ва йўқотишда давом этмоқда. Бир қарашда, ҳеч қандай салбий жиҳат кузатилмайди. Аммо шахснинг жамият ва муайян гуруҳлар, доиралар билан бўлган коммуникативлик даражаси анча тушиб кетган ва ўз ўрнида бу инсонни жамият билан маълум даражада узилишига олиб келяпти. Бир шахс ёки бир қатлам эмас, бутун дунё ҳамжамиятида шу нарса кузатилар экан, бу катта муаммо эканини англаш қийин эмас. Айнан ушбу омил бошқа барча ижтимоийликка хос бўлган жиҳатларни ташкил этувчи бирламчи структурлик ҳисобланади.

Шахсларнинг хулқ-атвори, муносабати, ижтимоий гуруҳларга қўшилиши каби ҳолатларнинг рақамли иқтисодиётга алоқаси йўқдек, аммо айнан рақамли иқтисодиёт келтириб чиқарган вазиятда ушбу масалалар ҳам муаммо сифатида қаралади. Тўғри, бу масала ҳали тўлалигича муаммо сифатида кўтарилмаяпти, лекин кузатилаётган жараёнлар шуни кўрсатадики, бу муаммо тобора «бойиб», тўлишиб бормоқда. Айнан инсонлар ўртасидаги табиий коммуникация жамиятни ушлаб турувчи, ундаги умуминсоний характерни сақловчи ва етказувчи энг катта бирламчи омил саналади. Айтишингиз мумкин, коммуникативлик йўқолгани йўқ. Тўғри, йўқолгани йўқ. Аммо ундаги ижтимоий ҳолатни табиий очиб берувчи омиллар камайган. Яъни рақамли иқтисодиёт таъсирида коммуникациянинг баъзи турлари ҳам қолиплаган, тизимлашган ҳолатга келди.

Юқорида айтганимиздек, рақамли иқтисодиёт олиб келган қулайликлар ва енгилликларни рад этиб бўлмайди, улар, албатта, керак бизга. Аммо бу ижтимоийликда келиб чиқаётган муаммоларга кўз юмиш керак дегани ҳам эмас. Шундай экан биз бу муаммоларни ўрганишда ва қўлдан келганча ечим таклиф этишда давом этмоғимиз керак.

Ижтимоийлашув, яъни инсонларнинг маълум бир ижтимоий гуруҳларга қўшилиши умумжамият учун иерархик шаклланишидаги муҳим бўғин ҳисобланади. Географик ёки умумий манфаатлар асосидаги муносабатлар асосида қурилувчи ижтимоий гуруҳлар одамларнинг ҳаётида муҳим рол ўйнайди, албатта. Аммо юқорида айтганимиз: рақамли иқтисодиёт таъсирида баъзи кишилар ўртасидаги, ижтимоий доиралар ўртасидаги муносабат қолипланди, тизимга солинди. Бунинг натижасида кишилар қайсидир муносабатларга эҳтиёж сезмай қолди ва ўз-ўзидан ижтимоий ҳолатга бир мунча путур етди.

Бу ҳолатда вақт масаласи ўртага чиқар экан, кишиларнинг ижтимоий ҳолатга нисбатан муносабати янаям чигаллашади. Айнан вақтдан ютиш учун фойдаланилаётган рақамли иқтисодиётнинг асоратини кетказиш учун яна вақт сарфлаш кўпчиликка ёқмаслиги табиий ҳол. Бу вазиятда баъзилар ижтимоий тармоқлар орқали кишилар ўзининг ижтимоий гуруҳларга нисбатан бўлган муносабати ва эҳтиёжини қониқтира олади деган бир фикрларни ҳам айтиши мумкин ва бундай фикрлар учраб турибди. Ижтимоий тармоқ аслида бир восита холос. Жамият қурилишида, ижтимоий ҳолатнинг тўғри шаклланиши асосида бевосита инсон омили ётади. Билвосита омиллар эса, албатта, иккиламчи бўлиб қолаверади.

Кишиларнинг ёки маълум бир ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий мавқеъи масаласи ҳам рақамли иқтисодиёт таъсирига бир қадар тушган. Бунинг тушунтиришга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Кўп нарсалар рақамлашар экан, ижтимоий тармоқ таъсири кучаяр экан, ўз-ўзидан ижтимоий ҳолатдаги мавқега ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди. Яъни бунда қандай бўлади? Кишилар фаол турли муносабатларга киришишдан чекланар экан, натижада уларнинг ва бошқаларнинг ижтимоий мавқеъи йўқолиб ёки сохталашиб боради. Бу ҳолат кучайиб бориши билан умумжамият ҳолатида хулқ-атворнинг бир қадар бузилиши юзага чиқиши мумкин. Шундай бир ҳолатда кишиларнинг ижтимоий гуруҳлар орқали ўзини фаол жамият аъзоси сифатида шакллантириши муҳимдир. Шундагина ижтимоий ҳолатдаги мавқе масаласи яна қайта реалликка қайтади.

Бот-бот таъкидлаганимиздек, бу салбий оқибатлар бизни рақамли иқтисодиётдан узоқлаштириш учун эмас, муаммо сифатида олиниб, бошқа бир талофатсиз ечим топиш учун кўриб чиқилапти.

Ижтимоий ҳаётда мувофиқлик — бу масала юқорида айтганларимизнинг асосий муаммо объекти десак, муболаға қилмаган бўламиз. Ижтимоий ҳолатни таъминлашда мувофиқлик жуда муҳим саналади. Рақамли иқтисодиёт бу мувофиқликка қандай

зарар етказди ёки етказиши мумкин? Ушбу саволга ҳам қўлдан келганча жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Ижтимоий гуруҳ ва умумий жамиятда инсонларнинг талаб ва истаклари мувофиқ келиши ва шу орқали умумҳаракат юзага келиши лозим, бу — биринчи жиҳат. Иккинчи жиҳатдан кишиларда рақамли иқтисодиёт ва ижтимоий ҳолатга нисбатан номувофиқлик кузатилиши бошланган, яъни кишиларнинг тизимланган доиралар билан муомала қилиши ва табиий жамият билан муомалага киришиши ўртасида катта фарқ юзага чиқмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг тобора ривожланиши ва одамларнинг муносабатлар ва ижтимоийликдаги характери сўниши натижасида тизимланган тараф доминантлик қила бошлайди. Бундан чиқадикки, инсонлар ижтимоийлашув жараёнини янги усул ва йўллар билан умуминсоний характерга мувофиқ тарзга ушлаб тура олиши керак.

Юқорида бутун дунёда кузатилаётган ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, бироз фикр юритдик. Ўзбекистондачи? Юртимизда рақамли иқтисодиёт соҳасида етарлича камчиликлар мавжуд. Аммо шунга қарамай Ўзбекистон жамияти ҳам бунга кириб бормоқда. Юқорида айтган муаммоларимиз кам бўлса ҳам бизнинг мамлакатда ҳам учраяпти. Бу дегани бунга бефарқ қараб туриш керак дегани эмас, албатта. Ижтимоийлашувни таъминлаш учун турли гуруҳлар ўртасидаги жонли коммуникацияни ривожлантиришимиз, турли хилликка алоҳида эътибор беришимиз керак. Рақамли иқтисодиёт энг ривожланган Швеция, Швецария, Норвегия, АҚШ, Жанубий Корея каби мамлакатларда ҳам ижтимоий ҳолатга рақамли иқтисодиётнинг салбий таъсирларини олдини олиш масаласи бор. Яъни бутун дунё ҳамжамиятида ушбу муаммо секин-секин юзага чиқиб бормоқда, демак, бизга ечимлар керак. Бундан олдин эса муаммони мукамал ўрганмоқ керак, айтганимиздек, бу масала бўйича жуда кўплар турли хиллик мавжуд. Аммо яқин келажакда бу муаммоларга тўғри ёндашиб, уни бартараф қилиш учун аниқ таклиф ва фикрлар ўртага чиқишига умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ғ. Порсаев, Д. Усмонова, Б. Сафаров. Рақамли иқтисодиёт асослари. Тошкент 2020
2. Р. Аюпов. Рақамли иқтисодиёт ва электрон тижоратда янги технологиялар. Тошкент 2020
3. Н. Исмоилова, Д. Абдуллаева. Ижтимоий психология. Тошкент 2013
4. Илҳом Асланов. Ижтимоий фаолият. Тошкент 2019

Интернет сайтлари:

1. texnoman.uz
2. saviya.uz